

---

## **"Халқ ва армия бир тану-бир жон" тамойили асосида "Заковат" интеллектуал үйини ташкил этилди.**

Данғара туман ҳокимлиги, туман мактабгача ва мактаб таълимий бўлими ҳамда ДХХ чегара қўшинлари ҳамкорлигига ҳарбий ватанпарварлик ойлиги доирасида "Халқ ва армия бир тану-бир жон" тамойили асосида "Заковат" интеллектуал үйини ташкил этилди.

Данғара тумани Абдусамад МФЙда жойлашган 11 умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган "Заковат" интеллектуал үйинида битириувчи синф ўқувчилардан иборат "Ёш чегарачилар" ва "Ишонч" ҳамда муддатли ҳарбий хизматчилардан иборат "Ватан посbonлари" гурухлари иштирок этишди.

Ёшлар ўртасида ватанпарварлик руҳини ошириш, уларнинг қалби ва онгидаги даҳлдорлик туйғуларини кучайтириш мақсадида ташкил этилган "Заковат" савол-жавобларида зукко, билимдон ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган йигит-қизлар ўз маҳоратларини намойиш этиб, билимларини синовдан ўтказдилар.

---

2024-12-25 16:50:03